

---

## Она табиат неъматлари келажак учун ҳам...



**Атроф-муҳит деб табиат олами ва ундаги тирик мавжудотга айтилади. Табиий муҳитда ташқи физикавий омиллар ва ундаги барча тирик организмларни ўзаро зич алоқада бўлишлари атроф-муҳитни ташкил этади. Бошқача айтганда, атроф-муҳит инсонни қамраб олган ҳар қандай табиий омил, жумладан, ҳаво, сув, атмосфера, тупроқ, ўсимликлар, ҳайвонот ва шунга ўхшаш унсурларга айтилади.**

Бугунги кунда инсоннинг атроф-муҳитга бўлган муносабати ўз аслидан узоқлашган бўлиб, бу муносабатни яна бир маротаба кўриб чиқишга тўғри келади. Бугун инсон ўзини табиат эгасидек ҳис этиб, амал қилади. Инсониятнинг табиатга антропоген таъсири кўп салбий ҳолатлар юзага келишига сабаб бўлаётгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, иқлим ўзгаришлари ҳам айнан одамзоднинг табиатга таъсири натижасидир.

Муқаддас тупроқ, мусаффо ҳаво, зилол сув, ўз нурини сахийлик ила сочаётган қуёш – барча-барчаси табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Инсон туғилибоқ ушбу неъматлардан баҳраманд бўлади. Шунинг учун ҳам уни она табиат деб атаймиз. Она табиатни, атроф муҳитини асраб авайлаш бизнинг асосий бурчимиздир. Бугун жаҳон жамияти табиатни асраб-авайлаш, келажак авлодларга бекаму-кўст етказиш йўлида биргаликда амал қилиш зарурлигини англаб етди.

Шубҳасиз, атроф-муҳитнинг ифлосланиши бугунги кун асосий мушкулотларидан бўлиб, барчани хавотирга солган. Бу масала шу жиҳатдан муҳимки одамларнинг бугунги ва келгуси авлодига ҳам таҳдид солмоқда. Инсон пок ва мусаффо атроф-муҳитга эга бўлмаса ўзининг табиий ҳаётига идома бера олмайди. Шунинг учун ҳам атроф-муҳитни муҳофаза этиш ҳаётнинг идома бериши учун зарурдир.

Сўнгги йилларда табиатда антропоген (шунингдек, техноген) таъсирнинг зўрайганлиги, экологик ўзгаришларнинг содир бўлаётгани ҳамда ўрмонлар (айниқса, нам тропик ўрмонлар) эгаллаган

---

худудларнинг ўрмонларнинг кесилиши натижасида қисқариши натижасида биохилма-хилликка путур етди, кўплаб ўсимлик ва ҳайвонот турлари бутунлай йўқолди ёки уларнинг сони кескин камайди.

Албатта инсоннинг тоза муҳитда яшаш ҳаққи унинг бошқа ҳақлари қатори катта аҳамиятга эга бўлиб, соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш дегани бу соғломликни энг қуйи даражасига эга бўлиш деганидир.

Ҳар бир инсон болалигиданоқ атроф-муҳитга, табиатга бўлган муносабатни тўғри англаб, эътибор билан ёндашса, табиий офатлар, ҳавонинг ифлосланиши, экологик хавфлар анча камаяди. Табиат неъматлари келажак авлод вакилларининг саломатлигини асраш, фаровон турмуш кечиришда муҳим аҳамиятга эга.

Буюк алломаларимиз болаларни кичик ёшданоқ меҳнат қилишга, фикрини тарбиялашга ўргата бориш, катталар меҳнатини қадрлайдиган этиб тарбиялаш, турли соҳаларда билимларини бойитиш оила аъзолари ва ёши катталар томонидан амалга ошириладиган муҳим вазифалардан, дея таъкидлаган.

Шу боис узлуксиз таълим-тарбия жараёнида экологик тарбияга алоҳида эътибор қаратиш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар қалбида табиатга меҳр уйғотишнинг аҳамияти жуда катта эканлигини таъкидлаш жоиз.

Зеро, инсонлар яхши англаши лозим бўлган бир тушунча бор – она табиат неъматлари келажак учун ҳам зарур.

**Аббосбек Ҳамдамов,**

**Экологик партия ташкилоти Риштон туман бўлими раиси.**

2020-05-20 16:02:48